# Тошкент оқшоми

2017 йил 27 ноябрь, душанба

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 236 (13.569)

Баҳоси эркин нархда


## ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАРИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРГАН ТАРИХИЙ ТАШРИФ

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг таклифига биноан 22-24 ноябрь кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.**

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Корея Республикасига давлат ташрифи ҳар томонлама самарали бўлди. Учрашувларда йирик инвестициявий лойиҳаларни молиялаштириш, иқтисодиёт, энергетика, молия, сармоя, юқори технологиялар каби соҳалардаги ҳамкорликни янада фаоллаштириш, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, гуманитар алоқаларни кенгайтириш, вазирликлар ва идоралараро ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир масалалар муҳокама қилинди.

Ташриф доирасида савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техникавий ва бошқа соҳаларга оид умумий қиймати 10 миллиард АҚШ долларидан ортиқ 60 дан зиёд ҳужжатлар имзоланди. Шундан 4,5 миллиард доллари тўғридан-тўғри инвестициялардир.

Эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш, мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари 24 ноябрь куни БМТ собиқ Бош котиби, Халқаро Олимпия қўмитасининг этика комиссияси раиси Пан Ги Мунни қабул қилди.

Самимий ва очиқ руҳда ўтган мулоқотда давлатимиз раҳбари Пан Ги Мун БМТ Бош котиби лавозимида фаолият юритган даврда Ўзбекистон билан БМТ ҳамкорлигида самарали лойиҳалар амалга оширилганини ёдга олди.

Пан Ги Мун Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Корея Республикасига давлат ташрифини юқори баҳолаб, икки мамлакат ўртасидаги азалий дўстлик ва ўзаро ишонч руҳидаги ҳамкорлик алоқалари ривожида янги босқични бошлаб берганини қайд этди.

Ўзбекистоннинг ташаббуслари Марказий Осиёни барқарор ва юксак иқтисодий ривожланган минтақага айлантиришда муҳим қадам бўлиши таъкидланди.

Пан Ги Мун Шавкат Мирзиёевга Ўзбекистон ва Жанубий Корея муносабатларини мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссаси учун миннатдорлик изҳор қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Чон Сэ Гюн билан учрашди.

Спикер давлатимиз раҳбарини самимий қутлар экан, Жанубий Корея ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва стратегик муносабатларни янада мустаҳкамлаш кенг кўламли ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Жорий йил 26 сентябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган музокараларда парламентлараро ҳамкорликни ривожлантириш, мазкур йўналишдаги алоқаларни янада кенгайтириш борасида муҳим келишувларга эришилган эди. Ўша учрашувнинг мантиқий давоми бўлган бугунги музокаралар ўзаро ишонч ва самимий руҳда ўтди.

Президентимиз Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси фаолияти билан танишди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Корея Республикаси пойтахти мэриясига ташриф буюрди. Президентимизни Сеул шаҳри мэри Пак Вон Сун кутиб олди.

Шавкат Мирзиёев фахрий меҳмонлар китобига ўзининг тилакларини ёзиб қолдирди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Жанубий Кореяни дўстлик ришталари, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва стратегик шериклик муносабатлари мустаҳкам боғлаб туриши алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистонда Жанубий Кореянинг етакчи компаниялари ва банклари иштирокида иқтисодиётнинг турли тармоқларида ўнлаб йирик лойиҳалар амалга оширилган ва оширилмоқда. Расмий Сеул мамлакатимизда саноат ва инфратузилмани диверсификация ва модернизация қилишга доир устувор дастурларни амалга оширишда анъанавий етакчи инвестицион ва технологик шерик ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 3 июль куни Сеул шаҳри мэри Пак Вон Сунни Тошкентда қабул қилиб, биродарлашган шаҳарлар – Тошкент ва Сеул ўртасида амалий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилган эди.

Бугунги учрашувда замонавий технологиялар асосида шаҳарни бошқариш, транспорт тизими ва уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш бўйича самарали тизимни ташкил этиш соҳасида Жанубий Кореянинг илғор тажрибасидан фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Шаҳарсозлик, меъморчилик ва ландшафт дизайни соҳаларида ўзаро ҳамкорликни фаоллаштириш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга Сеул шаҳрининг фахрий фуқароси унвонини беришга бағишланган маросим бўлиб ўтди. Маросимда сўзга чиққанлар Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ривожланиб бораётгани, икки мамлакат ўртасидаги дўстлик муносабатлари янада мустаҳкамланишида Президент Шавкат Мирзиёевнинг давлат ташрифи муҳим аҳамият касб этаётганини қайд этди.

Давлатимиз раҳбари халқларимиз ўртасидаги дўстлик рамзи сифатида Тошкент шаҳридаги кўчалардан бирига Сеул номи бериш таклифини билдирди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевга Сеул шаҳри фахрий фуқароси унвони тантанали топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Корея Республикаси Бош вазири Ли Нак Ён билан учрашди.

Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ҳамкорлиги сўнгги йилларда кенг кўлам касб этди. Давлатимиз раҳбарининг Жанубий Кореяга давлат ташрифи давомида савдо, ёқилғи-энергетика, кимё, транспорт ва транспорт коммуникациялари, логистика, автомобилсозлик, тоғ-кон саноати, енгил саноат, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, тиббиёт, туризм, фан-таълим ва маданият каби кўплаб соҳаларда келишувларга эришилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Корея Республикаси Бош вазири Ли Нак Ён билан учрашувда эришилган мазкур келишувларни амалиётга изчил татбиқ этиш, янги истиқболли лойиҳалар бўйича ҳамкорлик алоқаларини жадаллаштириш масалаларини муҳокама қилди.

Суҳбат чоғида Президент Шавкат Мирзиёевнинг ушбу давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, стратегик шериклик муносабатларини изчил мустаҳкамлашга хизмат қилиши қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин ҳамроҳлигида Сеул шаҳридаги Жанубий Корея Миллий музейига ташриф буюрди.

Мазкур музей Корея Республикасининг энг йирик тарихий ва маданий марказларидан бири ҳисобланади. 1945 йил асос солинган музей учун 2005 йил ўзига хос меъморий ечимга эга замонавий бино барпо этилган. Осиёда энг йирик, дея эътироф этиладиган ушбу музей кўлами жиҳатидан дунёда олтинчи ўринда туради. Музейда 220 мингдан ортиқ тарихий, бадиий, археологик ва бошқа экспонатлар тўпланган.

Президентимиз музей экспонатлари билан танишди. Маданий-гуманитар соҳаларда давлатларимиз ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтириш юзасидан келишиб олинди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Корея Республикасига давлат ташрифи ниҳоясига етди. Ушбу ташриф сиёсий, иқтисодий натижалари билан мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар тарихидан муҳим ўрин эгаллаши ва ўзаро ҳамкорликни янги босқичга кўтариши муқаррар.

**Абу Бакир ЎРОЗОВ,**
**ЎзА махсус мухбири**

*Тошкент – Сеул – Тошкент*

## 24 декабрь – Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов куни

**Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайловолди ташвиқоти давом этмоқда.**

**ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловлардаги иштирокига оид мақсад ва вазифалари билан газетамизнинг 2-саҳифасида танишасиз.**

## ҚАРДОШЛИК ВА ДЎСТЛИК БАЙРАМИ

***Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида дипломатик алоқалар 1992 йил 23 ноябрда ўрнатилган. Давлат раҳбарларининг мулоқотлари, турли даражадаги делегациялар ташрифи мунтазамлик касб этган.

Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланмоқда. 1998 йилда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома, 2013 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома ўзаро ҳамкорликка мустаҳкам асос бўлмоқда.

Дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25-йили муҳим воқеаларга бой бўлди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг очиқ ва прагматик сиёсати самарасида мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар янада фаоллашди. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 22-23 март кунлари Қозоғистонга давлат ташрифи ҳамкорликни янги босқичга кўтарди. 16-17 сентябрда Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг мамлакатимизга давлат ташрифи олий даражадаги мулоқотларнинг изчил давоми бўлди.

Ушбу тарихий сана йил бўйи нишонланди, дейиш мумкин. Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари шу йилнинг ўзида олти маротаба учрашди. Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия мажлиси, бир неча бизнес-форумлар, миллий маҳсулотлар кўргазмалари ўтказилди. Ҳудудлар ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатилди. Тошкент ва Олмаота ўртасида тезюрар поезд, шаҳарлараро автобуслар қатнови йўлга қўйилди. Азалдан қавму қариндош бўлган халқларимиз орасида борди-келди кўпайди. Буларнинг барчаси икки мамлакат ўртасидаги ишонч ва ҳамкорлик юксак даражада эканидан далолатдир.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан икки давлат раҳбарлари бир-бирларини қутлади. Қутловларда мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва шериклик муносабатлари бундан буён ҳам изчил мустаҳкамланиб бориши таъкидланди.

Пойтахтимиздаги "Наврўз" давлат қабуллар уйида бўлиб ўтган тадбирда бу жиҳатлар яна бир бор ўз ифодасини топди. Ўзбекистон ва Қозоғистон санъаткорлари ижросида миллий куй-қўшиқлар янгради.

Ушбу тантанали тадбирда иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Қозоғистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Асқар Мамин ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Очилбой Раматовнинг учрашуви бўлиб ўтди. Давлат раҳбарларининг музокаралари натижасида ҳамкорликка кенг йўл очилгани, уларда эришилган келишувлар тўла амалга оширилаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия доирасидаги алоқаларни ривожлантириш, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди. Ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг баённомаси имзоланди.

Учрашувда икки мамлакат вазирлик ва идоралари раҳбарлари ҳам қатнашди.

Қозоғистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Мамин Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов билан ҳам учрашди.

**А.САМАДОВ,**
**ЎзА мухбири**

***"Ўзэкспомарказ"да қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатига ихтисослаштирилган "UzAgroExpo – 2017" ҳамда "UzProdExpo – 2017" XIII халқаро кўргазмалари бўлиб ўтди.***

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



## ДУНЁ ИШБИЛАРМОНЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАМ БЎЛДИ

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, "Ўзбекозиқовқатхолдинг" холдинг компанияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан "IEG Uzbekistan" халқаро компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган кўргазмада Ўзбекистон, Хитой, Корея Республикаси, Германия, Россия, Исроил, Испания, Италия, Туркия, Финляндия, Голландия, Ҳиндистон, Беларусь, Латвия, Украина ва Қозоғистон каби давлатлардан 120 компания вакиллари иштирок этди.

"UzAgroExpo – 2017" кўргазмасида замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси ва эҳтиёт қисмлари, деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик, ветеринария йўналишидаги технологиялар, интенсив боғлар учун мевали дарахт ва декоратив ўсимликлар кўчатлари намуналари, маҳсулотларни қайта ишлаш, сақлаш ва ташишга ихтисослашган ускуналарнинг кенг экспозицияси кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

– Компаниямиз ўсимликшунослик соҳасида етакчи бўлиб, бу йўналишдаги турли хизматлар ва маҳсулотлар тўпламини таклиф қилади, – дейди Голландиянинг "Royal Brinkman" компанияси вакили Екатерина Волянская. – Бизда тувакларда ўстириш учун 36 мингдан ортиқ сабзавот, гуллар, ўсимликлар тури мавжуд. Шунингдек, сув ва электротехника жиҳозлари, иссиқхоналарда микроиқлимни бошқариш, алмашлаб экиш учун машиналар, дезинфекцияловчи қурилмалар, плёнка ва сеткалар ҳам етказиб берамиз. Ўзбекистон тадбиркорлари билан ўнга яқин ўзаро манфаатли шартнома туздик.

*(Давоми 2-бетда)*

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Жиззах политехника институтида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбир "Конституция – виждон эркинлиги кафолати" деб номланди. Шу мавзудаги тарғибот тадбирлари вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида ўтказилмоқда.**

**• Навоий вилояти Қизилтепа туманида 13-болалар мусиқа ва санъат мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилди. 3 миллиард 600 миллион сўмдан ортиқ маблағ эвазига қурилган ҳамда 150 ўринга мўлжалланган мактабда барча шароит яратилган. Масканда 20 га яқин ўқитувчи 7 мутахассислик бўйича ёшларга санъат сирларидан сабоқ беради.**

**• Андижонда Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодлар кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда йўналишлар бўйича энг яхши натижага эришган 23 иштирокчи танловнинг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.**

**• Нукусда "Нафосат – 2017" кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган танловда 20 нафар дизайнер-тикувчи ва стилист ўзи яратган либослар андозалари тақдимотини ўтказди ва миллий либослар тайёрлашга замонавий ёндашув, соҳани ривожлантиришга оид илғор тажриба ва таклифлар, шунингдек, етакчи аёл, талаба қиз, ижодкор аёл тимсолларида либослар эскизи намойиши ҳамда эркин мавзу шартлари бўйича ўз маҳоратини намойиш этди.**

### ЖАҲОНДА

**• Индонезиянинг Бали оролидаги Агунг вулқони яна "уйғониб", ундан олти минг метр баландликка лава отила бошлади. Вазиятнинг қалтислиги туфайли ушбу ҳудуд устидан амалга ошириладиган самолётларнинг кўпгина парвозлари бекор қилинди, оролдаги халқаро аэропорт ёпилди. Энг муҳими, сентябрь ойида вулқоннинг отилиши аниқланганлиги боис хавфли ҳудуддан 25 минг киши эвакуация қилинганди.**

**• Аргентина ҳарбий-денгиз кучлари маълумотига кўра, ушбу мамлакатнинг Атлантика океанида бедарак йўқолган "Сан Хуан" сув ости кемасининг ҳалокатига водороднинг портлаши сабаб бўлиши мумкин ва кема экипажи аъзоларининг ҳозиргача ҳаёт бўлиши мумкинлиги таъкидланмоқда.**

**• Сьерра-Леоне қишлоқларининг биридан топилган 709 каратли, оғирлигига кўра жаҳонда 14 ўринда турувчи "Дунё олмоси" номини олган ноёб олмос тош Нью-Йоркдаги ким ошди савдосига қўйиладиган бўлди. Унинг савдосидан тушган катта даромад мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётини яхшилаш мақсадларида сарфланади.**

***Бугунги кунда фуқароларимиз сайлов жараёни ва унинг ҳуқуқий асослари ҳақида анча тажрибага ва ҳуқуқий саводхонликка эга бўлишди десак, муболаға бўлмайди. Чунки мустақиллик йилларида мамлакатимизда сайлов тизими халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари, ривожланган демократик давлатлар тажрибаси ҳамда миллий қадриятларимиз ва давлатчилик тарихимиздан келиб чиққан ҳолда шакллантирилди.***

# ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Зеро, сайлов қонунчилигимиз фуқароларга давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали эркин ҳамда ихтиёрий иштирок этиши учун шароитларни кафолатламоқда. 2017 йил 24 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Сенаторлар "Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини кўриб чиқдилар. Бу ҳақда Қонун Тошкент шаҳрининг туманларида халқ депутатлари Кенгашларини тузиш учун ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиб беради. Бу эса ҳокимиятнинг маҳаллий органлари бюджет ваколатлари амалга оширилиши устидан назоратни ўрнатишга, уларнинг мамлакат пойтахти туманларини ижтимоий-сиёсий ривожлантиришнинг муҳим масалаларини ҳал қилишдаги ўрнини мустаҳкамлашга, ислоҳотларни рўёбга чиқаришдаги роли ва аҳамиятини янада оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарорига мувофиқ, 2017 йил 24 декабрь Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов ўтказиш масаласи кўрилди. Ўзбекистон Республикасининг "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги қонунининг 20-моддасига кўра, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари депутатлигига сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари номзод кўрсатиш ҳуқуқига эгадирлар. Айни пайтда мамлакатимиздаги тўртта сиёсий партия ҳамда ўзини ўзи бошқариш органлари мазкур ҳуқуқлардан келиб чиқиб, сайлов жараёнига номзодлар кўрсатгани ҳолда қизғин ҳозирлик ва тайёргарлик кўрмоқда.

Шу боис, Тошкент шаҳар ҳамда туман кенгашлари вакиллик органларида ўз номзодларини тақдим этиб кўпчилик ўринни эгаллаш мақсадида сайлов жараёнига пухта тайёргарлик бошланди. Сайлов штаблари тузилган. Сайлов штаблари эса, айни сайлов компанияси даврида сайлов билан боғлиқ фаолиятни, номзодлар, ваколатли вакиллар, кузатувчилар ва тар-ғибот гуруҳлари ишини мувофиқлаштириб бормоқда.

Зеро, сайлов, энг аввало, фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини амалга оширувчи жараён бўлиб, бу бир томондан сиёсий партиялар учун ҳам, иккинчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари учун ҳам, ҳатто фуқаролар учун синов палласидир.

Чунки вакиллик органларидан кўпчилик депутатлик ўринларини эгаллаш ҳар бир номзод кўрсатган органнинг дастурий мақсад-вазифаларини амалга ошириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, барча соҳадаги ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этиш, ташаббус кўрсатиш имконини кенгайтирмоқда. Шу боис Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайлов жараёнида иштирок этувчилар зиммасига катта масъулият юклайди.

Бундан ташқари, қонунда шаҳарларда туманлар ҳокимлари лавозимларига тасдиқлаш, шунингдек, янги Кенгашлар тузилиши муносабати билан халқ депутатлари туман Кенгашлари томонидан уларнинг ҳисоботларини эшитиш тартиби белгиланмоқда.

Эътиборли жиҳати шундаки, сайлов жараёни билан боғлиқ мазкур ўзгартишлар Тошкент шаҳрида социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни рўёбга чиқаришда ҳокимият вакиллик органларининг, пойтахт жамоатчилигининг ролини кучайтиришга, маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, туманлар ҳудудини ривожлантиришнинг истиқболли дастурларини амалга ошириш, қонун ҳужжатларига мувофиқ маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгилаш устидан халқ депутатлари туман Кенгашлари томонидан назорат қилиш механизмини ўрнатишга кўмаклашади. Зеро, бугун ҳудудларни ривожлантиришда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ёки бошқача айтганда, барча бўғиндаги ҳокимликларнинг масъулияти тобора ортиб бораяпти. Бу эса, ўз-ўзидан уларнинг зиммасига янгидан-янги вазифаларни юкламоқда. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш, ижтимоий шериклик, марказда ҳамда жойларда қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқишда жамоатчилик иштирокининг ташкилий-ҳуқуқий асослари шакллантирилди. Ижро ҳокимиятининг вакиллик органлари олдида ҳисобдорлиги тамойили Конституция ҳамда қонунларда мустаҳкамлаб қўйилди. Сиёсий ислоҳотлар билан бир қаторда, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар юз берди. Бугунги давр давлатимиз олдига мутлақо янги вазифаларни қўймоқда. Бу ўзгаришлар, шубҳасиз, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисидаги қонунчиликда ҳам ўз аксини топиши лозим. Шу муносабат билан қонун билан Янги таҳрирда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 27-моддасида, шунингдек, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 25-моддасида "сайловолди ташвиқоти" тушунчасига таъриф берилиб, уни олиб бориш турлари, шакллари ва усуллари белгилаб қўйилди. Сайлов компанияси даврида амалга ошириладиган ва сайловчиларни депутатликка номзодни ёки сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган фаолият эканлиги ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди.

Янги киритилган қонуний асосларга кўра, сайловолди ташвиқоти олиб борилаётганда оммавий ахборот воситалари тенг шарт-шароит ва имкониятлар принципига амал қилган ҳолда депутатликка номзодларга, сиёсий партиялар вакилларига ўз эфир вақти ва нашр майдонини қонунда белгиланган тартибда тақдим этади. Шунингдек, сайловолди ташвиқотида сиёсий партиянинг дастури ва сайловолди платформаси тўғрисидаги ахборотни ўзининг депутатликка номзодларини ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатади. У жамоатчилик олдида мунозаралар, баҳслар, матбуот конференциялари, интервьюлар, сўзга чиқишлар, сайловчиларнинг йиғилишлари, депутатликка номзод, сиёсий партия тўғрисидаги роликларни жойлаштириш шаклида олиб борилиши мумкин.

Сайлов жараёнини янада ҳаққоний ва халқаро принциплар асосида ўтишини таъминлайдиган муҳим институтлардан бири — бу ишончли вакилдир. Шунингдек, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 26-моддаси депутатликка номзоднинг ишончли вакиллари ҳақидаги норма берилган. Ушбу қоидага асосан, Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод уч нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлиши мумкин. Депутатликка номзод рўйхатга олинганидан кейин ўз ишончли вакилларини ўзи белгилаши ҳуқуқига эга. Бу ҳақда у округ сайлов комиссиясига маълум қилиши зарур. Шундан сўнг сайлов комиссияси ишончли вакилларни рўйхатга олади ҳамда уларга гувоҳнома топширади. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатининг мақоми тўғрисидаги Қонунга кўра, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг ҳуқуқларини, мажбуриятларини ҳамда депутатлик фаолиятининг асосий кафолатлари белгиланган бўлиб, жумладан, мазкур қонуннинг 1-моддасида "Депутат" мақомига қуйидагича таъриф берилган: Тегишли халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига (бундан буён матнда халқ депутатлари Кенгаши деб юритилади) сайланган ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ тегишинча вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси фуқароси депутат ҳисобланади. Шунингдек, депутат фаолиятининг ҳуқуқий асослари эса қонуннинг 2-моддасида қайд этилганидек, депутат ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, ушбу Қонун ва бошқа қонунларга мувофиқ амалга оширади. Бугун ҳудудларнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш устувор йўналишлардан саналади. Шу сабабли қонун лойиҳаси ижодкорлари ҳудудларни ривожлантириш стратегиясини ва тегишли комплекс дастурларни ишлаб чиқишга ягона ёндашувнинг йўқлигига эътибор қаратишди. Бундай стратегия қонуний мақомга эга бўлмайди ҳамда маҳаллий бюджетга боғланмаган бўлади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 103-моддасига киритилган тузатишни амалга ошириш, шунингдек, вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳокимнинг ҳисоботини халқ депутатлари Кенгашида эшитиш механизмини яратиш мақсадида Қонун янги модда билан тўлдирилмоқда.

Қонунга киритилаётган ушбу қўшимча билан мавжуд тизимга бир қатор асосий қоидаларни жорий этиш назарда тутилмоқда. Сайланган депутатлар ўз ваколатларини 2019 йилда ўтказиладиган маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига навбатдаги сайлов натижалари бўйича пойтахт халқ депутатлари туман Кенгашларининг янги таркиблари шакллантирилгунига қадар амалга оширади.

Юқоридагиларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, бундай сайлов жараёнини ташкил этиш ва амалга ошириш орқали биз ўз олдимизга қўйган юксак мақсадга қаратилган узоқ ва мураккаб йўлнинг бир қисмини, яъни маҳаллий ҳудудларни янгича халқ бошқарувига мослаштириш орқали Конституциямиздаги инсонпарварлик ғояларини амалга оширган бўламиз.

**Феруза МУХИТДИНОВА,**
**Шерзод ХАЙИТОВ,**
**ТДЮУ "Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи" кафедраси ўқитувчилари**

*Яшнобод тумани ҳокимининг*

*ҚАРОРИ*

## ЯШНОБОД ТУМАНИДА ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ ВА ИШ ТОПИШДА ҚИЙНАЛАЁТГАН ШАХСЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИНИ 2018 ЙИЛ УЧУН БАНД ҚИЛИБ ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг 17-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 1998 йил 5-6-сон 97-модда), Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 йил 7-сон 353-модда), Ўзбекистон Республикаси "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунининг 8-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 йил 4-сон 190-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ-616-сон Қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил 15-сон 156-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил 34-сон 333-модда, 2010 йил 13-сон 96-модда, 2011 йил 1-2-сон 4-модда, 2012 йил 44-сон 507-модда) мувофиқ ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2018 йилга мўлжалланган банд қилиниши керак бўлган иш ўринлари сонини ва уларга қўйиладиган талабларини белгилаш бўйича туман махсус комиссиясининг 2017 йил 6 ноябрдаги баёнини инобатга олиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Яшнобод туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун тумандаги 255 та ташкилотларда аҳолининг қуйидаги тоифалари учун жами 2141 та иш ўринлари банд қилиб қўйилсин:

ёлғиз ота, ёлғиз она ва 14 ёшгача бўлган ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун – болаларини тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни уйғунлаштириш имконини берадиган, ўзгарувчан иш жадвалга эга бўлган иш ўринлари;

таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

ногиронлар учун – меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ходимга иш жараёнларни тўсқинликсиз бажариш имконини (соғлиғининг аҳволи ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид кўрсаткичлар ҳисобга олинган ҳолда) берадиган иш ўринлари;

бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун – махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар учун иш ўринлари;

одам савдосидан жабрланганлар учун иш ўринлари.

2. Яшнобод туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг 2018 йил учун банд қилиб қўйиш лозим бўлган ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

3. Иш ўринларини банд қилувчи ташкилотлар раҳбарларига:

ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2017 йил якунланишидан 10 кун олдин банд қилинган иш жойлари умумий миқдорининг камида 25 фоизи учун, 2018 йилнинг 10 апрелидан кечикмай иш жойларининг қолган қисми 75 фоизини барпо этиш (ажратиш ёки банд қилиб қўйиш) тўғрисидаги, яъни ҳар бир тоифа бўйича иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар, мутахассисликлар туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига тақдим этилсин;

иловадаги шахслар учун иш ўринлари санитария-гигиена нормалари ва меҳнат шароитларига мувофиқлаштирилиши таъминлансин.

4. Ушбу қарор ижроси бажарилмаган тақдирда ташкилотнинг мансабдор шахсларига "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги Низом"нинг 15-бандига мувофиқ жарима солинади.

5. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини иловада белгиланган миқдордан ортиқча ташкил этган ташкилотлар ушбу иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблағларнинг бир қисмини туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканликлари инобатга олинсин.

6. Туман Бандликка кўмаклашиш маркази (Г.Шарипов):

ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатилсин.

7. Яшнобод туман ҳокимининг 2016 йил 24 октябрдаги "Яшнобод туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2017 йилга мўлжалланган иш ўринлари банд қилиб қўйиш тўғрисида"ги 695-сон қарори 2017 йил 31 декабрдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ушбу қарор 2018 йил 1 январдан кучга киради.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Яшнобод туман ҳокимининг ўринбосари Ш.Зуфаров зиммасига юклатилсин.

**Яшнобод тумани ҳокими**
**Д.Турдиев**

*2017 йил 9 ноябрь*

***Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.***

**Анжуманлар**

# СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ – БАХТЛИ ҲАЁТ АСОСИ

***Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўтказилган матбуот анжумани юқоридаги мавзуга бағишланди.***

Тадбирда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Ш.Нурматова ва бошқалар давлатимиз раҳбари томонидан тадбиркорликни ривожлантириш, соғлиқни сақлаш, фан, таълим, маънавий-маърифий соҳаларда олиб борилаётган тизимли ислоҳотлар негизида оилалар тинчлиги ва фаровонлигини янада ошириш, аёллар учун муносиб шароитлар яратиш, фарзандларимизнинг бахтли ҳаёти мужассам эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда оилаларда тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш борасида тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бориш бўйича дастур қабул қилинган бўлиб, унинг доирасида олти йўналишда фаолият юритилмоқда.

Ёш авлод саломатлигини мустаҳкамлаш, ёшларнинг соғлом турмуш тарзи, оилага оид билимларини ошириш, тиббий-ижтимоий патронажни такомиллаштириш, соғлом овқатланиш маданияти, оила, оналик ва болалик ҳимоясига доир тарғиботни кучайтириш ва спортни оммалаштириш шулар жумласидандир.

Шу йўналишлар бўйича ўқувчи-қизларни тиббий профилактик кўрикдан ўтказиш, тиббий тарғибот тадбирларини ташкил этиш, мураккаб вазиятли оилалардаги ўсмир қизлар билан ишлашни кучайтириш бўйича ҳам тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Жойлардаги фуқаролик ҳолатларини қайд этиш бўлимлари қошида никоҳланувчи шахслар учун "Оила мактаблари" ташкил этилди. Аёлларнинг соғлигини янада яхшилаш ва тиклаш учун меҳнат жамоаларида тиббий кўриклар ўтказилди. Эҳтиёжманд оила вакиллари имтиёзли соғломлаштирилди. Кўчма тиббий-ижтимоий ёрдам бригадалари томонидан ҳудудларда оилаларнинг шароити ўрганилиб тегишли ёрдам кўрсатилмоқда.

Жойларда "Энг файзли хонадон", "Энг саришталиі хонадон" каби танловларнинг ўтказилиши камолга етаётган қизлар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Чекка ҳудудларда ҳомиладор аёллар ва болалар зарур поливитаминлар, витаминлар билан таъминланмоқда.

Ёши улуғ аёллар ва уй бекалари учун эса "Эъзозли аёллар" соғломлаштириш гуруҳларининг иши янада фаоллашмоқда. Қайнона ва келинлар иштирокида соғлом овқатланиш асослари борасида интерфаол машғулотлар ўтказилмоқда.

Матбуот анжуманида Хотин-қизлар қўмитасининг оила, оналик ва болалик, қизлар саломатлигини муҳофазалашга оид лойиҳалар юзасидан ҳам маълумотлар берилди.

# ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

***Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида ўтказилган матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар ва вазирлик олдида турган долзарб масалалар хусусида сўз борди.***

Ўзбекистон Республикаси маданият вазири ўринбосари К.Оқилова ва бошқалар "Орол ва Мўйноқнинг қайта тикланиши" мавзуида ўтказилган халқаро экофестивалнинг аҳамияти, ундаги эътиборга молик жиҳатлар ҳамда атоқли ёзувчи ва давлат арбоби Ш.Рашидовнинг 100 йиллигига бағишланган тадбирларнинг моҳияти, "Музейларда оммавий ташрифларни ташкил этишда кўргазмаларнинг ўрни" ҳақида сўз юритди.

Бундай нуфузли тадбирларнинг ўтказилишида ва маданият соҳасидаги ишларни янада такомиллаштиришда Юртбошимизнинг 2017 йил 28 июлдаги "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида"ги Қарори муҳим асос бўлмоқда.

Матбуот анжуманида, Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш борасидаги таклифи юзасидан вазирлик олдида турган вазифалар, Россия, Туркманистон, Қирғизистонда ўтказилган Ўзбекистон маданияти кунларининг якунлари борасида ҳам иштирокчиларга маълумотлар берилди.

Анжуман доирасида оммавий ахборот воситалари ходимларининг саволларига батафсил жавоб берилди.

**Гулчехра ДУРДИЕВА**

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ҚУЙИДАГИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ВАКАНТ (БЎШ) БЎЛГАН ДИРЕКТОРЛИК ЛАВОЗИМИГА**

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

| № | Таълим муассасаси номи | Манзили |
|---|---|---|
| 1 | Тошкент геодезия ва картография касб-ҳунар коллежи | Мирзо Улуғбек тумани, М.Улуғбек кўчаси, 82-уй |
| 2 | Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи | Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 7-уй |
| 3 | Тошкент хизмат кўрсатиш ва сервис касб-ҳунар коллежи | Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, 75-уй |
| 4 | Тошкент юридик коллежи | Учтепа тумани, 12-мавзе, 67 а-уй |
| 5 | Мирзо Улуғбек транспорт касб-ҳунар коллежи | Мирзо Улуғбек тумани, Катта Дархон кўчаси, 6-уй |

**Малака талаблари:** олий маълумот, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стажи 3 йилдан кам эмас ёки академик лицей, касб-ҳунар коллежининг соҳа йўналиши бўйича 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажи талаб этилади.

Таълим муассасаси йўналиши бўйича илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлганда раҳбар лавозимларидаги шахсларга иш стажи талаб қилинмайди.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқарма бошлиғи номига ариза;
2. Сўровнома (справка-объективка);
3. Таржимаи ҳол;
4. Олий маълумот ҳақидаги диплом нусхаси;
5. 3х4 ўлчамли 6 дона фотосурат;
6. Паспорт (нусхаси);
7. Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;
8. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса).

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй. Тел: 252-23-35.

Бектемир ТХТМФМТ ва ТЭБ биносини жорий таъмирлаш учун танлов эълон қилади.

Ажратилган маблағ: 71000000 (етмиш бир миллион) сўм.

Мурожаат учун манзил: Бектемир тумани, Билол Нозим кўчаси, 23-уй

Телефонлар: 292-87-09; 292-94-84

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

Бектемир тумани ободонлаштириш бошқармаси қуйидаги эҳтиёт қисмларни харид қилади:

Трактор тиркамалари учун:
- шиналар – 9/16 8 дона – 950,0 минг сўмдан
- ступицалар (жамлама) 3 дона – 450,0 минг сўмдан

Тел: 295-30-50, 295-36-47

"Metal Dealer" (СТИР 302707422, 2013 йил 16 сентябрда 008933-09 сон билан Шайхонтоҳур туман "Ягона дарча" марказидан рўйхатдан ўтган) масъулияти чекланган жамияти таъсисчиларининг 2017 йил 24 ноябрь кунидаги баённома қарорига мувофиқ тугатилади.

Ариза ва мурожаатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 24-уй.

